БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 6 октябрь Шанба

№ 191 (13.627). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА УТИШНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан, бозор муносабатларига ўтиш учун шароит яратишдан манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Халқ хўжалигида шартномавий улгуржи нархлар кенг қўлланилишига ўтилсин. 1991 йилга шартномалар тузиш чоғида мазкур нархлар СССР Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 14 июндаги 741-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган улгуржи нархлар асосида белгиланади.

2. Шартномавий нархларни кенг қўлланишга ўтиш натижасида ишлаб чиқариш — техника мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар нархи умумий даражаси асоссиз равишда ўсишининг олдини олиш мақсадида, рентабелликнинг энг юқори даражасини жорий этиш кўзда тутилсин, бунда ана шу даражага қўшимча равишда олинган фойданинг ҳаммаси Иттифоқ ва жумҳурият бюджетларига баравар улуш билан ўтказилиши кўзда тутилсин.

3. СССР Вазирлар Кенгаши ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг Вазирлар Кенгашлари ўз ваколатларига мувофиқ ўн кун муддат ичида:

Қайд этилган улгуржи нархлар қўлланиладиган хом ашё, конструкция материаллари ҳамда ишлаб чиқариш техника мақсадларига мўлжалланган бошқа маҳсулотлар рўйхатини белгилаб қўйсинлар ва бу нархларнинг даражасини тасдиқласинлар;


Рентабелликнинг энг юқори даражасини ҳисоблаб чиқариш ва корхоналарнинг ана шу даражадан ортиқча олинган фойдаларини улардан айриб олиш тартибини аниқласинлар.

4. «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунини амалга оширишнинг СССР Олий Совети қабул қилган «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган муддатларни ҳисобга олиб, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат ижтимоий суғуртасига тўлайдиган бадаллар тарифларини босқичма-босқич кўпайтириш кўзда тутилсин ҳамда шу муносабат билан мазкур тарифлар 1991 йил учун 26 фоиз миқдорида белгилансин.


Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 4 октябрь.

«Ҳосил—90»



Жумҳуриятимиз пахтакорларининг бу йилги шаштлари баланд. Ўтган йилнинг шу давригача икки миллион тонна кўп пахта топширишди. Қишин-ёзин тинмай қилинган меҳнатларининг самараси бу. Улкан хирмонларнинг бунёдга келишида айниқса, механизаторларнинг улуши катта бўлаяпти.



Комсомол ноҳиясидаги Т. Аҳмедов номидаги давлат хўжалигининг механизаторлари Жумабой Дўстбеков (юқоридаги сурат) 150 тонна, ака-ука Маматқул ва Қидирбой Аҳматовлар эса 250 тонна пахтани ўз машиналари бункерларидан ағдаришди.

Е. БОТИРОВ суратлари.



ҲАЛИ ЙЎҚ СИЁСАТ ТЎҒРИСИДА

«Октябрь» меҳмонхонасидаги КПСС Марказий Қўмитаси матбуот маркази — бу ерда ўтган куни журналистларнинг Марказий Қўмита уч аъзоси — В. Зюкин, Г. Селезнев, Г. Ягодин ва «Комсомольская правда» бош муҳаррири В. Фронин билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув мавзуси: КПСС ёшлар сиёсатининг ўзига хослиги.

Фикримча, бўлиб ўтган мулоқотдан чиқариш мумкин бўлган ғоят муҳим хулоса қуйидагилардан иборат: ҳукмрон фирқа ёшлар ўртасида айтиш мумкинки, ҳеч қандай сиёсат олиб бормаяпти. КПСС XXVIII съезди ёшлар тўғрисида резолюция қабул қилган эди, — деди В. Фронич. — Умуман тушунарли ва зарур резолюция. Лекин унинг ижроси йўқ.

ҚИСҚАЧА ИЗОҲ: КПСС Марказий Қўмитасининг на Сиёсий бюросида, на Котибатида ҳеч ким ёшлар сиёсати билан махсус шуғулланмайди. Ёшлар билан ишлаш учун масъул бўлганлар, яъни унинг махсус ижро этувчилари, маҳаллий фирқа қўмиталарида ҳам йўқ. Съезднинг резолюцияси қоғозда қолиб кетаётганлиги учун ким жавоб бериши керак!

«Биз ёшларни алдашга чек қўйдик, — деди Г. Ягодин, — улар бутун тарихий ҳақиқатни билиш, қадриятларни мушоҳада қилиб кўриш имкониятига эга бўлди. Бироқ, биз улар учун янги идеалларни беришга улгурмаяпмиз, бу ғоят хавфли».

Маълумки, табиат бўшлиққа сира тоқат қила олмайди: ҳеч нима экилмаган бўшлиқда одатда ўт-ўланлар ўсади. Ёшларнинг кўз ўнгида синфий қадриятлар обрўйи кетган, лекин умуминсоний қадриятлар ҳали мушоҳада қилиб кўрилмаган. Ёки қийинчилик билан мушоҳада қилиб кўрилмоқда. Бунга объектив сабаблардан бири — ёшлар оммавий ахборот воситаларининг тақчиллигидир.

ҚИСҚАЧА ИЗОҲ: КПСС Марказий Қўмитаси мафкура, тарғибот, фирқа ходимларига мўлжалланган бир қатор нашрларни: «Коммунист», «Известия ЦК КПСС», «Диалог», «Гласность», «Партийная жизнь»... чиқаради. Ёш муштарийларга қаратилган рўзномалар ва ойномалар ташкил этиш тўғрисидаги масала Марказий Қўмитада қўйилмайдиганга ўхшайди. Ёшлар орасида саховат, инсонпарварлик ва адолатни ташвиқот қилувчи фирқанинг энг яхши донолари қаерда чиқишлари мумкин!

Матбуот конференциясида яна бир муаммо кўтарилди Г. Селезнев айтишича, илгарилари у ёки бу шахснинг обрў-эътиборини журналистлар яратишлари мумкин эди. Қандайдир сиймони қоралаш тўғрисида кўрсатма тушса, уни қоралардилар. Эндиликда, сиёсат ошкора бўлиб қолганида, сиёсатчи ўз обрўсини фақат ўзи яратади.

Геннадий Николаевичнинг фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Ҳаммаси шундай. Бироқ ҳозирги фирқа раҳбарлари ёшларнинг обрў-эътиборини қозонишга қобилиятлими ёки йўқлигини журналистлар билан суҳбатлашган Марказий Қўмита аъзолари аниқ-равшан тасаввур қилмагандек кўринди менга.

«Сиёсий бюро собиқ аъзоларидан кимдир бизнинг олдимизга, комсомол Марказий Қўмитаси пленумига келиб, — деб ҳикоя қилди В. Зюкин, — Пленум қатнашчилари олдида сўзга чиққудек бўлса ҳамиша ноқулай аҳволда қолардим». Истеъфога чиқиб кетган олий фирқа раҳбарлари ёшларнинг кўз ўнгида мана шундай кўринарди. Уларнинг ўрнига келганлар қандай кўринишади? Бунга баҳо беришга эҳтимол, ҳали эрта, Сиёсий бюрога сайлов бўлиб ўтганидан буён оз вақт ўтди.

Н. АНИСИН.

[«Правда» рўзномасининг 1990 йил 5 октябрь сонидан].

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУНГА 25 ЙИЛ ТЎЛДИ

Олтиннинг кумуш тўйи

Бир пайтлар «ўта махфий» белгиси остида муҳрлаб ташланган бу бирлашмадан бирон нарса ёзиш тугул, уни эслаш ҳам мумкин эмас эди. Бугунги қайта қуриш, ошкоралик, демократия туфайли бу идорага йўл очилди. Айнан ана шу давр тақозоси билан унинг чорак асрлик юбилейини нишонлаш мумкин бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш бирлашмаси («Ўзбеколтин») бош директори Ҳасан Эргашевич ЭГАМБЕРДИЕВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Бугунги кунда матбуотда, оммавий-ахборот воситаларида, турли давра ва йиғинларда Ўзбекистон олтини тўғрисида гап-сўзлар тобора кўпайиб бормоқда. Аммо мен ҳозир бирлашмамизнинг ташкил топиши, унинг бугунги куни ва истиқболи ҳақида сўз юритмоқчиман. Бирлашмамиз 1965 йилнинг 29 сентябрида Ўзбекистон ССЖ Халқ Хўжалиги Кенгашининг тавсиясига мувофиқ жумҳурият ҳукумати қарорига биноан ташкил топган. «Ўзбеколтин» қидирув-фойдаланиш бирлашмаси номини олган корхонамиз дастлаб Қорақўтон, Бичанзор, Қўшбулоқ ва Чодоқ конлари замирида ўз фаолиятини бошлади. Ўша йилнинг ўзида Чодоқ кони билан бу ердаги олтин саралаш фабрикаси қурила бошланди ва 1970 йилда фойдаланишга топширилди. 1966 йили Қўшбулоқ шахтасида Ангрен олтин кони ишга туширилди. 1973 йил августига келиб, Ангрен олтин саралаш фабрикаси маҳсулот бера бошлади. 1980 йили Маржонбулоқ, 1987 йилда Зармитон конлари фойдаланишга қабул қилинди.

— Олтинимиз истиқболига келганида нималарни қўшимча қилиш мумкин? — Биласизми, 25 йилдан буён Ўзбекистонда қазиб олинадиган олтин учун бизга жаҳон бозоридаги нархга нисбатан атиги 10 фоиз улуш қолдиришмоқда. Ҳозиргача олтинимизга фақат марказдагилар эгалик қилишади. Бирлашмамиз маъмурияти узоқ баҳслардан сўнг 1991 йилдан бошлаб ялпи даромаднинг 30 фоиз улушини жумҳуриятда қолдириш тўғрисидаги келишувга эришишга муваффақ бўлди. Бироқ бу ҳам олтини бор юрт учун дарёдан томчи. Бугунги кунда ялпи улушнинг 60-70 фоизини Ўзбекистонда қолдириш учун жумҳуриятимиз раҳбарлари билан бирга ҳаракат қилаяпмиз.

Аммо кези келганда яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Иттифоқдаги бошқа идоралар мутасаддилари учун кафолат беролмайману, бироқ, мамлакат олтинининг ҳаками ҳисобланган «Главалмаззолото»дагилар билан ҳам бир битимга келиб қолдик. Камчилигимиз, аниқроғи, айтиш мумкин бўлса, айбимиз битта. У ҳам барча техникани, кераkли технологик жиҳозларни, ёниғини, қурилиш материалларини марказ орқали олишга мажбурмиз.

Шу ўринда биз яқинда ташкил топган Ўзбекистон металлургия саноати концерни ваколати ҳамда имкониятларидан тўлароқ фойдаланишимиз керак бўлади. Концерн 30 та корхонани ўзига бирлаштириб олган. Агар олтин ишлаб чиқариши билан боғлиқ Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, бизнинг «Ўзбеколтин» бирлашмаларимиз уюшсак, баҳамжиҳат бўлсак, халқимизнинг ҳақли таъна ва эътирозларига ўрин қолмаган бўлур эди. Бугун бизда жумҳуриятимизнинг олтин соҳасида иқтисодий мустақиллиги учун курашдан чекинмаймиз, дейишга кафолатимиз етарли.

Суҳбатни «Ёш ленинчи» махсус мухбири Сувонқул РУСТАМ ёзиб олди.

ТАҲРИРИЯТДАН: «Ўзбектелефильм» ижодий гуруҳи Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятига бағишланган илк ҳужжатли фильмни суратга олди. «Олтиннинг кумуш тўйи» деб номланган ушбу фильмни 7 октябрь — якшанба куни Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг биринчи программаси орқали Тошкент вақти билан соат 11 дан 20 минут ўтганда томоша қилишингиз мумкин.

«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна — 91» «Обуна—91»

Қуйидаги мазмундаги қоғоз таҳририятимизга келиб тушгач, пойтахт шаҳар комсомол қўмитаси билан боғланиб, уни шарҳлаб беришни сўраш истаги туғилди. Қабулхонага қўнғироқ қилсак, биринчи котиб тушгача Марказқўмда бўлишини, кейин Ленин ноҳия комсомол қўмитасига ўтишини, у ердан Акмал Икромов комсомол қўмитасининг пленумига етиб боришни кераклигини, хуллас, ишхонада фақат кечқурун еттидан кейин бўлишини айтишди.

Ниҳоят, Жавоҳарлъал Ҳакимовнинг хонасида суҳбатлашиб ўтирибмиз.

Имтиёзли обуна

— Жавоҳарлъал, бу қоғозни изоҳлаб берсангиз.

— Ўзингизга маълум, келаси йил учун рўзномаларга обуна нархи ошди. Жумҳуриятимиз ёшлари, комсомолларининг бор-йўғи иккитагина матбуот нашри бор. Биз ички иттифоқ ҳаёти, қилаётган ишимиз, ўтказаётган маданий-сиёсий тадбирларимиздан жамоатчиликни фақат шу матбуот органларимиз орқали хабардор қила оламиз. Улар орқали ташвиқот-тарғибот олиб бориб, кенг миқёсли ташкилий ишларни амалга оширишимиз мумкин. Шундай экан, ёшлар комсомол рўзномаларидан бебаҳра қолишларига йўл қўя олмаймиз. Шуларни ўйлаб, йигит-қизларга обунани енгиллаштирмоқчи бўлдик.

Имтиёз қоғозларининг ишлаш механизми оддий: шаҳар комсомол қўмитаси «Союзпечать»га маълум миқдорда пул ўтказади, қоғозларни эса ноҳия комсомол қўмиталарига тарқатади. Кейингилар имтиёздан кимлар фойдаланишини ўзлари ҳал қиладилар.

Ана шу ташаббус билан алоқа вазирлиги, жумҳурият «Союзпечать» агентлигига чиқдик. Таклифимиз маъқулланди. Куни-кеча шаҳар комсомол фаоллари йиғилишида масала кўриб чиқилгач, шаҳар «Союзпечать» тармоғига маблағ ўтказиш бошланди. Ҳаммаси бўлиб 46 минг 950 сўм ўтказмоқчимиз.

— Бу пул неча киши учун обунани енгиллаштиради!

— «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана»ни қўшиб ҳисоблаганда 15 минг 650 нусха имтиёз қоғози чиқарганмиз. Шаҳарда 200 минг комсомол аъзоси борлигини назарда тутсак, ундан кўпчилик фойдаланиши мумкинлиги кўриниб турибди. Бироқ агар бу камлик қилса, яна маблағ топишга тайёрмиз.

— Демак, кимда шундай қоғоз бўлса, «Союзпечать»га 9 сўм тўлаб, «Ёш ленинчи»га обуна бўлиши мумкин экан-да!

— Ҳа, қолган уч сўми шаҳар комсомол қўмитаси томонидан тўланган.

— Суҳбатингиз учун ҳам, ташаббусларингиз учун ҳам катта раҳмат!

Суҳбатни Фурқат НЕЪМАТ олиб борди.

Тошкент шаҳар комсомол ташкилоти

1991 йилга

„ЁШ ЛЕНИНЧИ"

рўзномасига

ИМТИЁЗЛИ ХОЛДА ОБУНА БЎЛИШ

Буюртма комсомол бюджетидан 3 сўм билан таъминланади.

М. П. Имтиёзли холда обуна бўлиш нархи — 9 сўм.

ЛКЁИ ноҳия қўмитасининг котиби ______ имзо

Мукофотга — видеомагнитофон...

— Яна қанақа видео? Яна қанақа мукофот?

Сарлавҳани ўқиган муштарий ажабланган бўлиши табиий. Ҳа, ҳайратга тушманг. Истаймизми, йўқми, шароит шуни тақозо этаётир. Илгари хабар қилганимиздек, янги йилдан бошлаб, рўзномалар обуна баҳоси ошади. Бундай хабар муштарийларимиздан ҳеч бирини лоқайд қолдираётгани йўқ. Ахир бурноги йиллардаги обуна баҳоси билан келгуси йилники ўртасидаги фарқ оз эмас-да! 1 ойга 1 сўм, йилига 12 сўм. Аммо эслатиб ўтамиз: рўзномалар ичида энг арзони ҳам «Ёш ленинчи» бўлиб қолди. Бироқ бу дегани — «Ёш ленинчи» ўзи кўтариб чиқаётган масалалар долзарблиги даражасини сусайтиради, дегани эмас. Янги йилда ҳам рўзномамизда исталган мавзуингиздаги муаммолар акс этган чиқишларни ёритиш ниятимиз бор. «Ёш ленинчи» сизнинг энг яқин маслакдошингиз, кўмакдошингиз бўлиб қолишига мухбирларимизда кафолат, саботлилик етарли. Шундай экан, жумҳуриятимиз мустақиллигига, она тилимизнинг ҳақиқий маънода давлат тилига айланишига эришишимизда ҳисса қўшишни истасангиз «Ёш ленинчи»га обуна бўлинг. «Ёш ленинчи» бундан кейин ҳам дил сўзларингизни ифода этувчи рўзнома бўлиб қолади.

Дарвоқе, рўзномамизнинг таъсис этувчиси — Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси ҳам ўз нашрининг мавқеини ошириш мақсадида сахийлик кўрсатиш ниятида.

«Ёш ленинчи» рўзномасига 1991 йил учун обунани энг яхши ва уюшқоқлик билан ташкил этишга эришган ҳамда ўтган йилга нисбатан кўп обунани таъминлаган ноҳия комсомол қўмитасини мукофот кутмоқда. Ташкилотлардаги аъзолари сонига нисбатан энг юқори даражадаги обунани таъминлаган ноҳия комсомол қўмитасига ВИДЕОМАГНИТОФОН топширилади.

Биз эса ноҳияларда «Ёш ленинчи» га обуна бориши ҳақида сизларни хабардор қилиб туришни ўз зиммамизга оламиз.

...«Ёш ленинчи» байрами

Кўкдала ва Иштихон, Боғот ва Денов, Чуст ва Хива, Жиззах ва Сирдарё, Балиқчи ва?... Юқоридаги шаҳар ва ноҳиялар номлари кўпчилик «Ёш ленинчи» мухлисларига таниш. Бу ерларда «Ёш ленинчи»нинг анъанавий байрамлари бўлиб ўтган. «Балиқчи»дан сўнгги (?) жумбоққа қараб ҳайрон бўлгандирсиз? Бу жумбоқни ечиш ҳам сиз муштарийларга боғлиқ. Рўзномамиз жамоаси шундай якдил қарорга келди:

1991 йил учун энг кўп обунани ташкил этган давлат ва жамоа хўжаликларидан учтасида «ЁШ ЛЕНИНЧИ» ЎЗ АНЪАНАВИЙ БАЙРАМИНИ ўтказади. Ғолибларни аниқлаш учун давлат ва жамоа хўжаликлари комсомол ташкилотларидан комсомол-ёшларнинг умумий сони ва «Ёш ленинчи»га обуна бўлган муштарийларнинг сони кўрсатилган ҳужжатни таҳририятимизга жўнатишингиз лозим бўлади.

«Ёш ленинчи» эса ўз ходимлари, жумҳуриятимизнинг таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшлари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига турли йилларда сазовор бўлган санъаткорлар билан сизнинг ҳузурингизга ташриф буюришга кафолат беради.

Шундай қилиб ғолибларни видеомагнитофон ва «Ёш ленинчи» байрами кутади!

УСТАМА ҲАҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Шу йил «Ёш ленинчи» рўзномасининг 1 сентябрь сонидаги «Сабр — тоқат баҳоси» сарлавҳали мақолани ўқиб қаттиқ хафа бўлдим. Унда «...жумҳуриятдан ташқарида яшаб, айрим нашрларга обуна бўлишса, рўзномаларнинг ҳар бир нусхаси учун 5-6 тийин, жаридалар учун эса 12-15 тийин қўшимча ҳақ тўлаш» лозимлиги кўрсатилган. Наҳотки, шундай бўлса! Журналистлар, адиблар, шоирлар халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун жон куйдириб қўлларидан келганча матбуотларда чиқишлар қилмоқда. Наҳотки бир гуруҳ «иқтисодчи»лар жумҳуриятлар ўртасидаги дўстликни 5-6 тийин билан ўлчамоқчи бўлишса.

Э. СОҲИБНАЗАРОВ,
Тожикистон ССЖ Ленинобод вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН: рўзномамизга обуна бошлангандан бери бундай эътирозли мактублар кўплаб келиб турибди. Яқинда Ўзбекистон «Союзпечать» агентлигидан хушхабар олдик. Рўзномамизга бошқа жумҳуриятлардан обуна бўлганлар учун белгиланган устама ҳақ бекор қилинди. Рўзномамиз учун йиллик обуна баҳоси 12 сўм.

ИЗЛАНИШ

Раҳматилла Каримов Тошкент шаҳар Октябрь ноҳиясидаги 4-ўрта мактабда илмий бўлим мудири вазифасида ишлайди, ўқувчиларга математика фанидан дарс бериб келади. Ўтган ўқув йилида у таълим-тарбия сифатини яхшилаш мақсадида янгиликка қўл урган эди. Изланиш самарали натижалар бермоқда. Қуйида у билан шу тажрибалари ҳақида суҳбатлашдик.

Раҳматилла ўзининг муаллимлик фаолиятини ўзи таҳсил олган, болалик даврининг энг лаззатли онлари ўтган «Комсомол 40 йиллиги» номли 136-мактабда бошлаган эди. Мактабнинг ҳамма педагоглари қатори ҳар бир дарсга қандайдир янгилик киритмоқчи бўлган Раҳматилла ўшанда ҳали ўқитувчилик мутахассиси деган дипломни олмаганди. Ўзига ажратиб берилган 12 соатлик дарсидан ташқари бош пионервожатийлик ишини ҳам муваффақият билан уддаларди. Тез кунда Раҳматилла фаол жамоатчигина эмас, балки моҳир мураббий сифатида ҳам тан олинди. 1981 йилда эса устозлари Нажмиддин Насриддинов, Рафиқ Башаров ва Шокир Зиёевлар Раҳматилла Каримовни фирқа аъзолигига тавсия этдилар.

— Олий ўқув юртининг кечки бўлимида ўқиш, соатлаб эртанги кун дарсларига тайёрланиш ва ниҳоят, фирқа топшириқларини бажариш. Буларнинг ҳаммасига улгуриш қийин эмасмиди?

— Назаримда буларнинг ҳаммаси кишининг вақтни қандай тақсимлашига жуда боғлиқ. Эҳтимол шунинг учун ҳам дарсларимни ўз вақтида ўтиб, дорилфунундаги ўқишимга ҳам улгурар эдим. Бошланғич фирқа ташкилотимизнинг асосий қисмини пенсионер ўқитувчилар ташкил қилишади. Улар билан яқиндан алоқада бўлиш, лозим бўлса юмушларида кўмаклашиб туришни вазифа қилиб олган эдим. Дарсда назарий билимлар бериш билан чекланиб қолмай, ўқувчиларни доимо тўгаракларга жалб этиб бориш фойдадан ҳоли бўлмайди. Мактабда мунтазам иш олиб борувчи бундай тўгараклар ишини назорат қилиб бориш жараёнида ўқувчиларнинг унга қизиқишларини ҳам кузатишга тўғри келарди.

Раҳматилла математика фани бўйича ўқувчиларга етарлича илм бериш билан бирга таълим-тарбиянинг янги қирраларини топишга ҳаракат қилади. Айниқса, ўқитувчиларнинг дарсга тайёргарлиги масаласига эътиборни кўп қаратди. Бу ўринда тажриба услубларидан фойдаланиш ҳам ўқитувчилар, ҳам ўқувчилар ва ота-оналар зиммасига қатор вазифаларни юклади. Бундай тажрибалардан бири аввало синф раҳбари томонидан амалга оширилади. Яъни, синф раҳбари синфда нечта ўқувчи қайси фанлардан «2» баҳо олган, қайси ўқувчи қанча соат сабабсиз дарс қолдиргани ҳақидаги ҳисоботни кунига таҳлил қилиб боради. Ҳар шанба куни ўқувчилар ҳамкорлигида тузилган махсус штабда эса якун чиқарилади.

Ўқувчиларнинг кундалик дафтари хусусидаги тажриба ҳақида Р. Каримов қуйидагича ҳикоя қилади;

— Ўқувчиларнинг кундалик дафтари нечоғлик педагоглар талабига жавоб беришидан қатъий назар, унга маълум ўзгартишлар киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Раҳбарлигимдаги синф ўқувчиларининг кундалик дафтарларини текширар эканман, унда ота-она имзоси учун ажратилган жойга айрим ота-оналар ҳатто ойлаб имзо қўймасликлари, уларнинг фарзандлари олган баҳо билан қизиқмасликлари ва гоҳида ота-она ўрнига ака, опалари имзо қўйиши ҳолларини ҳам учратдим. Еки ота-оналар мажлисига айнан ўқиши бўш ўқувчиларнинг ота-оналари қатнашмаслигига нима дейсиз? Ўйлаб-ўйлаб, ўқувчи кундалик дафтарига ота-она масъулиятини оширадиган маълум ўзгартиш киритиш керак, шунда кундаликни ота-она ҳар ҳафтада эмас, ҳар куни назорат қилгани тўғрисида имзо қўйиб боради, деган қарорга келдим.

Ҳар куни ота ёки она фарзандининг кундалик дафтарини олиб, шу кунги мактабда олган билими фанлар бўйича тутилган дафтарларининг, олган баҳолари билан танишадилар. Сўнгра ўқитувчилар томонидан имзо қўйиладиган жойга вертикал ҳолатда «Текширдим» деган маънода имзолайдилар. Кейин эса бола «Эртанги кун дарсларига тайёрми, тайёр эмасми?» деган савол бўйича назорати бошланади. Бунда ота ёки она эртанги кунда неча соат дарс бўладиган бўлса, кундалик дафтар асосида ҳар бир фандан уйга берилган машқлар, уй вазифаси дафтарларида бажарилган эканини ва ҳатто ўқув қуролларининг аҳволини бирма-бир текширади. Кейин эса шу кундаликнинг чап томонига масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳар бир фан учун «эртанги кунги бўладиган дарсларга тайёр» деган мазмунда горизонтал қилиб имзолар қўйилади.

Ўз навбатида синф раҳбари ҳам ҳар куни ёки ҳар икки кунда кундалик юритилишини текшириб боради. Шунда ота-она ва ўқитувчининг биргаликдаги назоратига тушган ўқувчи доимий ва системали машғулотга одатланади ҳамда вазифаларни ўз вақтида тайёрлаш малакасини ҳосил қилади.

Ўқувчиларга юқоридаги ҳолатни мукаммал тушунтирар эканман, уларнинг ўқишларидаги дастлабки ўзгаришларни кўрдим. Чунки улар энди хоҳласа, хоҳламаса ҳар куни ота-онасига ҳисоб беришга мажбур-да.

Оилада ҳам уларга назоратни доимо бир киши олиб боришини: агар имзо қўйилмаган бўлса ўқувчи бугунги бўладиган дарсларга тайёр эмаслигини ёки агар ўқувчи интизомсизлиги учун «2», «3» баҳо олишини давом эттираверса, ота-оналар мажлисларида ўша ота-она томонидан кундаликка масъулиятсизлик билан қўйиб берилган имзо учун жавоб талаб қилиниши ҳақида тушунтирдим.

Шуниси қувончлики, бу таклифни ота-оналар ҳам, ўқитувчилар ҳам якдиллик билан маъқулладилар. Ўқувчилар орасида эса аввалгидек «Ручкам, дафтарим уйда қолибди», деб машғулотда ёзмай ўтириш ҳоллари учрамай қўйди. Шунингдек, баъзи ўқувчилар кутубхонадан ўз вақтида олмаган дарслик китобларини олиб, ундан фойдалана бошладилар. Шубҳасиз, уларнинг ўқув формасида ва давоматида кескин сифат ўзгариши юз берди. Энг муҳими, таълим-тарбия самарадорлигини яхшилашда яна бир қадам ташланди.

— Раҳматилла, бу касбни танлашингизга кимлар сабабчи бўлган?...

— Энг аввало, отам Тошбой Каримовни тилга олгим келади. Ҳар сафарги дарсингдан ниманидир бердим-у, деб мамнун чиқиб кетиш нақадар қувончли. Ҳақиқатан, бу касб ҳам машаққатли, ҳам масъулиятли. Ўқитувчилар олдидаги муаммолар менимча, ҳамма мактабларда бирдек.

Дарс бериш жараёнида ҳар бир сўзга эътибор берамиз. Лекин баъзида олиб боришга мажбур бўлган ишларимиз мисқоллаб топган обрўйимизнинг ботмонлаб кетишига сабаб бўлади. Ташвиқотчилик ва билет ҳамда маркалар сотиш ишлари шулар жумласидандир. Йилига театрларга тўрт марталаб билетлар сотишга тўғри келганини айтмайсизми!

Раҳматилла Каримов отаси Тошбой ака Каримовни ўзининг биринчи устози деб билади. Тошбой Каримов, мана 43 йилдирки, мураббийлик касбини ардоқлаб келади. У СССР халқ маорифи аълочиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Тошбой ака ўғлига доим бир нарсани, яъни, дарсга тайёр бўлмаса кирмаслигини, ҳар бир ўқувчи ўзи, қалби ўхшаши йўқ бир олам эканлигини, уни ҳурмат қилиш керак эканлигини қайта-қайта уқтиради.

Ота ўгитлари, ўзининг тинимсиз интилишлари зое кетгани йўқ. Жумҳурият бўйича ташкил этилган ўқитувчиларнинг ижодий кўргазмали қуроллари конкурсида Раҳматилла «Стреометрик фигуралар альбоми ва фазовий координатлар системасининг модели» билан қатнашди ва яна шу йили Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси унвонини олишга муяссар бўлди. Эндиликда Раҳматилла Каримов маориф ишида таълим-тарбия ишининг янги усул ва шаклларини очишга интилмоқда. Бир сўз билан айтганда, изланиш давом этмоқда.

Феруза АСҚАР қизи.

«БУНДА ДЎСТЛИК ТОПАДИ КАМОЛ»





Пойтахтнинг Фрунзе ноҳиясидаги 249-«Мажнунтол» болалар боғчаси ҳамкасб дўстларини бир пиёла чойга чақирди.

— Улар албатта, тарбияланувчилари билан келишди, — дейди биз билан суҳбатда болалар боғчаси мудираси Зайнаб Содиқова. — Тарбиячилар ўз ишлари, режалари ҳақида суҳбатлашишганда кичкинтойлар боғча ҳовлисига тўпланишди...

Мудиранинг гапларига қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин: ноҳияда 52 та болалар боғчаси бор. Шундан 16 таси ноҳия халқ таълими бўлимига қарашли. Тадбирда 10 дан ошиқ мактабгача тарбия муассасаси фаол иштирок этди.

Мазкур тадбирнинг бош мақсади фақатгина бир пиёла чой ичиш эмас эди. Болалар боғчалари ўртасида ўтаётган фестивалда қобилиятларини синаб кўришга ҳам имконият яратилганди.

— Ҳозирда пойтахт ноҳияларининг барчасида болалар боғчалари ўртасида спартакиада — фестиваль бўлиб ўтмоқда,— дейди Фрунзе ноҳияси халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Азиз Икромов. — Унда асосан болалар спорт мусобақаларида беллашадилар, дўстлашадилар. Болаликдан жисмонан чиниқа борадилар. Мазкур тадбир кичкинтойларда ажойиб таассуротлар қолдирмоқда. Бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш ниятидамиз.

Ўша кунги мусобақаларда биринчи ўрин 323-«Юлдузча» болалар боғчасига (мудира Тиховод Любовь Дмитриевна) насиб этди. Қолган икки ўринни эса 420- (мудира Абутьева Раиса Шокировна) ҳамда 249-болалар боғчалари бўлишиб олдилар.

Муҳаммад АМИН,

СУРАТЛАРДА: мусобақалардан лавҳалар.

МУАЛЛИФ суратга олган.









Етти қаҳрамон ёдгорлиги

Акмалжон Аъзамов, Нодиржон Пўлатов, Султонбек Исоқов, Ҳасанбой Маҳкамов, Абдулҳамид Тўраев, Маъмуржон Қодиров, Зуҳриддин Йўлдошев... Етти нафар балиқчилик ўғлон. Уларни ҳам ўз жигарбандлари аскарликка кузатаётганларида умид билан оқ йўл тилашиб, нон тишлатиб қолишганди. Афсус, ҳали ўи гулидан бир гули ҳам очилмаган йигитларга она-юртга қайтиш насиб этмади. Ой бориб, омон қайтмадилар...

Минг афсуски, улар биз бугун қоралаётган афғон урушининг бегуноҳ қурбони бўлдилар. 80-йилларда ҳукм сурган қалтис сиёсат минглаб жасур йигитларимизнинг умрига зомин бўлди.

Балиқчи ноҳияси фирқа ва комсомол қўмиталари ўз ҳамюртларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида савоб ишга қўл урдилар. Қисқа вақт ичида етти қаҳрамон ёдгорлиги бунёд этилди. Ниҳоят, ноҳияда «Ёш ленинчи» рўзномаси байрами кунлари ана шу ёдгорликнинг очилиш маросими бўлди. Йиғилганлар мақсадсиз уруш қурбонлари хотираси олдида бош эгдилар. Ветеранлар, фирқа, комсомол ходимлари, журналистлар сўзладилар.

А. МАМАДАМИНОВ суратлари.



Хорижддан хабарлар

Телетайп лентасидан

● БМТ. Нью-Йоркда СССР Ташқи ишлар вазири Эдуард Шеварднадзе билан АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер ўртасида амалий учрашув бўлди. Учрашув «Ўзгариб бораётган дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун масъулият» деб аталган Совет—Америка қўшма баёнотини қабул қилиш билан ниҳоясига етди. Бу икки вазирнинг кейинги ўн кун ичидаги учинчи учрашуви эди. У олти ярим соатдан кўпроқ давом этди. Европада оддий қуролярогларни қисқартириш масалалари суҳбатларнинг асосий мавзуи бўлди. Иккала вазирнинг фикрига қараганда, мазкур муаммонинг барча жиҳатлари юзасидан битимга эришилди.

● БЕЛГРАД. Серб оппозициячи партиялари уюшмасининг вакиллари жумҳуриятда 9 декабрь куни ўтказилиши белгиланган парламент сайловини бойкот этишга қарор берганликларини эълон қилдилар. Улар Сербия сиёсий жамоатчилигига мурожаат этиб, ўзларини қўллаб-қувватлашга чақиришди.

Шу билан бирга, уюшма Сербиянинг ҳозирги раҳбариятига муроса йўлларини ҳам таклиф этди. У етти кун мобайнида сайлов ўтказиш тўғрисида амалдаги низомни бекор қилиши ва барча партияларнинг вакиллари иштирокида давра суҳбати уюштириши керак. Давра суҳбати қатнашчилари сайлов тўғрисидаги янги қонунни ишлаб чиқишлари, кейин эса уни зудлик билан қабул этишлари мумкин бўлур эди. Бундай ҳолда сайловни 27 декабрга кўчириш, сайловолди кампаниясини эса шу йилнинг 27 октябридан бошлаш мумкин.

● ВАШИНГТОН. Бир гуруҳ қонун чиқарувчиларнинг АҚШ сенати орқали стратегик резервлардан нефть сотишни кўпайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини оддий тартиб асосида ўтказишга уриниши муваффақиятсиз тугади. Бу янги қонун лойиҳасининг ташаббускорлари бўлган муаллифлар маъмурият стратегик мақсадларда ғамлаб қўйилган нефтдан сотиши мумкин бўлган миқдорни уч баравар, яъни 15 миллион баррелга етказишни таклиф этгандилар. Маълумки, бу нефть запаслари Луизиана ва Техас штатларининг соҳил бўйларидаги жуда катта ер ости омборларида сақланмоқда. Президент Буш бир ҳафта илгари «синов» тариқасида, шунингдек, Ироқ қўшинлари ҳуружидан сўнг нефтга бой бўлган Қувайтда парокандалик ва асабийлик вужудга келгач, ички нефть бозоридаги аҳволни барқарорлаштиришга уриниб 5 миллион баррел нефтни сотиш тўғрисида фармойиш берган эди. Натижада ўша вақтда бир баррел нефтнинг нархи 40 долларга етган эди.

● ТОКИО. «Бутун дунёда ҳамкорлик фойдасига, мухолифликка қарши кайфият кенг тарқалди ва биз бу нарса Совет — Япон муносабатларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга яхши таъсир этишига умид қиламиз», — деди Япония ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби Тайдзо Ватанабэ чоршанба куни журналистлар билан бўлган учрашувда. У икки герман давлати бирлашишининг халқаро муносабатларга таъсири масаласига ҳам тўхталди.

(СИТА).

ДАВР ТАҚОЗОСИ

ПАРИЖ. Европа кенгашининг парламент ассамблеяси Европа кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга мурожаат этиб, уларни давлат корхоналарини хусусий кишиларга топшириш ишида Шарқий Европа давлатларига ёрдам беришга чақирди. Европадаги 23 мамлакатни бирлаштирган ассамблея кенгаши — сиёсий маслаҳат ташкилотининг Франциядаги Страсбург шаҳрида ўтаётган сессиясида қарор қабул қилинди. Унда Европа кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини хусусийлаштириш тажрибасини ўртоқлашиш таклиф этилади. Бу Шарқий Европада планли иқтисодиётдан бозорга ўтиш учун асос тайёрлашга ёрдам берган бўлур эди.

Қарорда қишлоқ хўжалигида бундай тадбирнинг самаралилиги таъкидланади. Чунончи, дейилади ҳужжатда, жамоа ва давлат хўжалиги мулкига тегишли бўлмаган 5 фоиз ердан мамлакат бутун деҳқончилик маҳсулотининг 40 фоизи олинаётган Совет Иттифоқини мисол тариқасида келтириш мумкин. Европа кенгашининг парламент ассамблеяси хусусийлаштириш чоғида ишдан маҳрум бўлган кишиларга ҳам ёрдам бериш зарур, деб ҳисоблайди. Европа кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар Шарқий Европада янги иш ўринларини вужудга келтиришда ва уларни касбларига кўра қайта тайёрлашни ташкил этишда кўмаклашадиган зарур тадбирларни кўришлари мумкин.

* * *

Франция ҳукумати БМТ хавфсизлик кенгаши таркибига ўзгартишлар киритиш мумкинлиги тўғрисида ҳар қандай масаланинг ўртага қўйилишини ноўрин, деб ҳисоблайди. Европа ишлари бўйича вазир-делегат Элизабет Гигу хоним Франция миллий мажлисида бугун сўзга чиқиб, шуларни айтди. У депутатлардан бирининг саволига жавоб берар экан, БМТ хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари таркибига ўзгартишлар киритиш «бугун кун тартибида тургани йўқ», деб айтди. Унинг сўзларига қараганда, кенгашнинг ҳозирги таркиби «тарихий вазиятнинг» ифодасидир.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

РЕНТГЕН ЎРНИГА

● РЕНТГЕН зарарсиз эмаслиги ҳаммага маълум. Шунинг учун мутахассислар умуман зарарсиз тиббий қурилма устида бош қотиришмоқда.

Яқинда улар меҳнатлари натижасини маълум қилдилар. Улар таклиф қилаётган методга кўра, инсон танаси ҳовуздаги сувда текширилади. Ҳовузнинг бир томонидан товуш тўлқини, иккинчи томонидан эса лазер юборилади ва у товушни нурли тўлқинга айлантиради. Уни эса ўз ўрнида монитор йиғиб олади.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бу йўл билан нафақат танадаги суякларни кўриш мумкин, балки юмшоқ тўқималарни — мушакларни, тоғайларни, қон томирларни ҳам бемалол тиббий кўрикдан ўтказиш мумкин, деб хабар беради Булғориянинг «Орбита» ҳафталиги.

ТАШЛАНДИҚ ВЕЛОСИПЕДЛАР

● ТОКИОНИНГ бир қатор ноҳиялари кўчаларида ташлаб кетилган эгасиз велосипедларнинг 1700 таси эндиликда ривожланаётган мамлакатларга бепул ёрдам тариқасида жўнатилади. Чунки бу ташландиқ велосипедлар ҳали кўп йиллар хизматга ярайди. Шаҳар ҳукумати шундай қарорга келди.

Ачинарлиси шундаки, кейинги пайтларда ташландиқ велосипедлар пойтахт аҳолиси учун ташвишли вазиятни вужудга келтирмоқда: кўчалар, дўконлар олди тўсилиб қолмоқда, автомобилларнинг юришига халақит бермоқда. Шунинг учун ҳам ташландиқ велосипедлар ҳар куни, ҳар соатда йиғиб олинмоқда. 1988 йилда кўчалардан 183 минг эгасиз велосипед йиғиб олинган.

ҚОНХЎР АСАЛАРИЛАР

● МЕКСИКАНИНГ Веракрус штатидаги Тесонапа деган жойда болалар байрами ўтказилаётганди. Бир пайт байрам қатнашчиларига Африка асаларилари тўдаси ҳужум қилиб қолди. Натижада икки бола ҳалок бўлди, 50 га яқини эса касалхоналарга юборилди.

Шафқатсизликда маълум ва «машҳур» бўлган бу қотил асаларилар бир неча от, сигир ва бошқа уй ҳайвонларини ҳам ҳалок этган.

Шу йилнинг июлида Марказий Америкадан Мексикага учиб келган Африка асаларилари ҳатто катта ёшли бир эркакни чақиб нобуд қилган. Ҳозир Мексиканинг турли штатларида қонхўр асалариларга қарши курашнинг шошилинч чоралари кўрилмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Мен жилғаман, дарё бўлиб тўлгим келади!

ЖИЛҒА № 7

Жумҳурият талабаларининг хабарномаси




Қардош Қозоғистон жумҳуриятининг Чимкент вилоятидаги Мухтор Авезов номли педагогика олийгоҳида бу йил илк бор қозоқ филологияси куллиёти қошида ўзбек мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш бўлими очилди. Унга вилоят ҳудудида яшаётган 28 нафар ўзбек йигит-қизлари қабул қилиндилар.

— Ўқув жараёнида озроқ қийинчиликларга дуч келмоқдамиз, — дейди куллиёт толибаси Лайло Меҳмонова. — Дарсликлар етишмаяпти, синф хоналари танқислиги бор. Бироқ, олийгоҳ комсомол қўмитасидан миннатдормиз. Ноҳиялардан келган барча талабаларимизга ётоқхонадан жой берилишига кўмаклашди...

1991 йил учун ҳаммалари «Ёш ленинчи»га обуна бўлажакларини билдиришди.

Жўра БОБОРАҲМАТ.
«Жилға» махсус мухбири.
Муаллиф суратга олган.



«Малакали мутахассис осмондан тушмайди»

Ҳаммангизга маълумки, «Жилға»нинг 5-сонида биз «Очиқ хат» билан Жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим Вазирига мурожаат этган эдик. Яқинда Шавкат Орифжоновичдан «Очиқ хат»га жавоб ҳам олдик.

Ҳурматли таҳрир ҳайъати!

Рўзноманинг 145-сонида чоп этилган (1990 йил 3 август) «Сиздан аниқ жавоб кутамиз» сарлавҳали очиқ хат мақола диққат билан ўрганиб чиқилди.

Талабаларнинг ҳозирги пайтда олий таълим ривожланишида юз бераётган жараёнлар ҳақида маълумотга эга бўлишлари зарурлиги тўғрисидаги сизнинг мулоҳазангизни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Сиз «КПСС тарихи» курсини «Ўзбекистон тарихи» курси билан, «Марксча-ленинча фалсафа» курсини «Фалсафа», «Илмий коммунизм»ни «Илмий социализм» курси билан алмаштириш масаласини кўтарибсиз.

Бу борада сизларга шуни маълум қиламизки, 1989—90 ўқув йилиданоқ «КПСС тарихи» ўрнига «Сиёсий тарих», «Марксча-ленинча фалсафа» ўрнига «Фалсафа» ва «Илмий коммунизм» курси ўрнига «Социализм назарияси» курси жорий этилди. Бундан ташқари олий ўқув юртларига мажбурий ёки ихтиёрий (факультатив) асосда қўшимча равишда «Жаҳон ва ватан маданияти ва назарияси», «Сиёсатшунослик» («Политология»), «Ижтимоиётшунослик» («Социология») ва бошқа фанларни ўқув режасига киритишга рухсат берилди. Ҳозирда барча олий ўқув юртларида «Ўзбекистон халқлари тарихи» курси жорий этилмоқда. Олий ўқув юртларига жамиятшуносликка оид барча программаларни талабаларнинг хоҳиш-истакларини, ўқув юртининг ихтисосий йўналишини, миллий ва маҳаллий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда белгилаш ҳуқуқи берилган. Бу фанлар бўйича дарс соатининг умумий ҳажми олий ўқув юртининг ихтисосига боғлиқ равишда ўқув режасининг 10-15 фоизини ташкил этади.

Сизга маълумки, Бутуниттифоқ талабалар анжуманининг таклифига кўра бу ўқув йилида марксизм-ленинизм фанидан давлат имтиҳони бекор қилинган эди. Шунга кўра ижтимоий фанлардан бири бўйича давлат имтиҳони киритилди. Бу имтиҳоннинг қайси фандан бўлиши олий ўқув юртининг илмий кенгаши томонидан, мутахассиснинг келгусидаги иши учун услубий ва амалий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. (Шу ўринда кенгаш таркибининг 25 фоизини талабалар ташкил қилишини эслатиб ўтмоқчимиз). Шу билан бирга талабаларга имтиҳон топшириш шакли оғзаки ёки ёзма, реферат ёки ижтимоий лойиҳа ёхуд кафедра тасдиқлаган мавзулар доирасидаги тадқиқот ишлари натижаларини ҳимоя қилишни танлаш ҳуқуқи берилган.

Сиз ўз мурожаатингизда «жисмоний тарбияни мажбурий дарс сифатида ўтиб, ҳеч ким спортчи бўлиб қолмаслиги» масаласини кўтарасиз.

Эҳтимол, бу масалада қандайдир тушунмовчилик борга ўхшайди. Жисмоний тарбия машғулотлари талабаларнинг профессионал спортчи бўлиши учун эмас, балки уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун киритилади. Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизда юзага келган шароит оқибатида биринчи курс кўпчилик талабаларининг соғлиғи заифдир. Жисмоний тарбия машғулотларининг мажбурийлиги талабаларнинг муттасил ўқишида зарур бўлган соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашга ёрдам берувчи тадбирлардан фақатгина биридир, холос. Шу билан бирга олий ўқув юртларимиздаги спорт иншоотларининг талаб даражасида эмаслиги ва жисмоний тарбия машғулотлари ўз вазифаларини тўла-тўкис бажара олмаётгани бизни қаттиқ ташвишга солади.

Янги ўқув йилидан бошлаб эса СССР Халқ таълими Давлат қўмитасининг 1990 йил 7 августдаги 55-сонли буйруғига асосан барча олий ўқув юртларида бутун ўқиш даври (битирувчи ўқув йилидан ташқари) давомида ҳафтасига 4 соатдан жисмоний тарбия дарси ўтилиши ва талабаларнинг ҳар ўқув йили ниҳоясида синов ва якунловчи йил эса имтиҳон топширишларини жорий этиш кўзда тутилган.

Хатда хорижий мамлакатларда олий таълимни ташкил этиш ҳақида мисол келтирилади: унда ҳар бир талаба ўрганиладиган фанлар мажмуасини ўзи белгилайди дейилган. Бу маълумот тўлиқ эмас. Ҳақиқатан ҳам талабалар ўрганиладиган фанларни ўзлари белгилайдилар. Бироқ, маълум бир мутахассисликка эга бўлиш учун маълум бир фанлар мажмуасини ўрганиш шартдир. Масалан, АҚШнинг кўплаб дорилфунунларида бир ёқлама ихтисослаштиришга йўл қўйилмайди. Хорижий тиллар бўйича мутахассис бўлаётган ҳар бир талаба бирор табиий фандан, масалан, математика, физика ёки химиядан мажбурий равишда таҳсил олиб, имтиҳон топширади. Аксинча, математика ўқиётган талаба тарих ёки фалсафани асосий предмет сифатида ўрганиши шарт. Биз бундай тажрибани диққат билан ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Вазирлик мутахассислар тайёрлаш сифатининг етарли даражада эмаслиги ҳақидаги мулоҳазаларга қўшилади. Бу борада ана шу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқдик.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун Сизнинг барча фикр-мулоҳазаларингизни миннатдорчилик билан қабул қиламиз.

Вазир Ш. АЛИМОВ.

* * *

«Жилға» таҳрир ҳайъати ҳурматли вазиримиз Ш. О. Алимовга қимматли вақтларини аямай «Очиқ хат»га жавоб қайтарганлари учун ўз миннатдорчилигини билдиради. Вазирлик, Олий таълим соҳасини қайта қуришдек мушкул бир ишга бел боғлаган экан, биз талаба аҳли бу тадбирларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларнинг тезроқ амалга ошишига тарафдор эканлигимизни айтишимиз лозим. Зеро, «малакали мутахассислар осмондан тушмас экан» бугунги кунда уларни тайёрлаш учун нафақат шароит, балки имкониятлар ҳам яратиш зарур. Берилган жавобда ижтимоий фанлар бобида қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилган. Биз улардан хурсандмиз. Аммо уларнинг номланишигина, яъни шакли ўзгариб мазмун-моҳияти эскилигича қолиб кетмаяптимикан? Янги фанлар жорий этилаётган экан, уларнинг ҳажми қандай бўларкин, бу янги фанлардан сабоқ берувчи муаллимларнинг талаёқати қай даражада? Бу саволларнинг барига сиз талабалар бизга ёзма мактуб йўллаб, аниқлик киритарсиз, деган умиддамиз. Жисмоний тарбия масаласига келадиган бўлсак, биз вазир билан баҳслашиб ўтирмоқчи эмасмиз. Фикримиз аниқ: ҳар ким ўз саломатлиги учун ўзи қайғуриши керак. Хорижий мамлакатлардаги ўқитиш системаси хусусида эса, Шавкат Орифжоновичнинг биздан кўра ўн карра кўпроқ маълумотга эга эканликлари шубҳасиздир. Шу сабабдан уларнинг фикр-мулоҳазаларини тўлиқ қабул қиламиз. Вазирлик янги, бекаму-кўст дастур ярата олишга қодирдир деган ишонч, биз талабаларда қатъийдир.

Ҳурматли талабалар, олий ўқув юртларининг ёш илмий ходимлари! Сиз таҳсил олаётган олийгоҳда қайта қуриш қандай кечмоқда? Нима янгиликлар бор? Турғунлик йилларининг қай бир асорати ҳали ҳам сизга ҳалақит беряпти? Фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашарсиз, деган умиддамиз.

«ЖИЛҒА» ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

ОЛИСЛАШГАН ЎЗЛИК САРИ...

...Хорижлик толиб хонасига телефон ўрнатиб олибди, десалар ҳечам ажабланмайман. Бу даҳмаза учун уни мазаҳлашга ҳам ҳожат йўқ. Негаки, чет эллик ётоқдошлар билан орамиздаги еру осмончалик тафовутга аллақачон кўникканмиз. Океан орти, дунёнинг бир четидан келган «илмсевар» дўстларнинг талаба эканига ҳам шубҳа қиласан баъзан. Сабаби, бизда талаба зоти борки, чўнтагида шамоллар ўйнайди. Топганидан топмаган куни кўп. Начора, манглайга ёзилгани. Амал-тақал қилиб битириб олсак бўлгани.

Қирқ йиллик қирондан омон чиққан эски-туски мебеллар, силкитсанг титилгучи гилам ва дарпардалар ҳақида гапирмоқчи эмасман бугун. Лўнда қилганда, талабаларнинг 90 фоизи ғарибона кун кечиришади. Оилавий аҳволи ёмонлигидан кўпчилиги уйидан пул сўрашга ийманишади. Қизиқ-а, ён хонада жами қулайлик, буниси эса шип-шийдон.

Ҳозирча бу гапларга чек қўяйлик... Йўқса майдалашган бўламиз. Энг муҳими, эртанги кун ҳақида қайғурмоқ жоиздай. Этакни бугун ёпмоқ керакдек. Айтингчи, аввало сиз ўзингизни мустақил ҳисоблайсизми? Ватан ва халқ тушунчасини теран англамоқ не? Ундай бўлса халқ, она-юрт қисмати ва миллий ғурур ҳақида бир жон, бир тан бўлиб қайғурмоқ пайти эканлигини англаяпсизми?

Жумҳуриятимиз мустақиллиги ҳар биримизнинг маънавий камолотимиз мезонига боғлиқ. Кейинги пайтларда рўзнома ва ойнома саҳифаларини варақлашга ҳам юрак дов бермай қоляпти. «Оҳ-воҳ»лар, камчилик ва етишмовчиликлар, кечаги кун хатоларимиз... Шукрки, оз бўлса-да, айрим ишлар амалга ошяпти. Муҳими, ўзлигимизни англаяпмиз чоғи. Бу ёғига қаттиқ турмоқ керак.

Тўғри айтасиз, Шўро ҳукуматида толиблик қашшоқликка маҳкумлик эмас, албатта. Лекин маънавий қуруқликдан, сохта билимлар соҳиби ва пойдеворсиз режалар қули бўлишдан худо асрасин. Ўқув қўлланмаларими? Уларни ўзгартириш керак. Зудлик билан. Эскирмайдиган қилиб. Қай йўсиндалигини эса ўзимиз ҳал қилмоғимиз лозим. Ҳар бир олийгоҳда мутахассисликка оид қўлланмаларга ва кўрсатмаларга эътибор бериш керак. Улар сизнинг таҳсилгоҳингизда махсус комиссиялар муҳокамасида тузилса ёмон бўлмасди.

Йўқ, биз ҳали кечикмадик... Юрт хуржуни мутлақо талангани йўқ. Шукр-ки, уйғониб қолдик. Кўзи очиқ ҳолда ҳам ухлаш мумкинлигини сезганимиз кифоя.

Оталар хатосини болалар такрорламаслиги керак. Ватан ҳаммамизники. Ҳуқуқ осмондан тушмаган. Топталган тупроқ, ўзимиз юз ўгирган ўтмиш, заволга учраган маънавият, жаҳонни титратган фозилу-донишманд боболаримиз ҳаққи-ҳурмати олислашган ЎЗЛИКни чорлайлик. Бунинг ягона йўли ҳам, у, ҳам бу маънодаги мустақиллик, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш. Ягона мақсад йўлида жипслашиш. Бунинг учун ЭРК тушунчасини ботинан ҳис қилмоқ зарур. У ҳар қанақа ташқи мурувватлардан минг бора улканроқдир. Шундагина руҳан кенгликларга интилиш шашти вужуд занжирини чилпарчин қилади. ВАТАН тақдири йўлида қайғуриш эса ўз эркини таниганларга ҳалол.

Бир нарсани айтишни жоиз, деб билдим. Толиблар орасида, жумладан ўзим ҳам, афғон урушида иштирок этганлар талайгина. Уларга бериладиган имтиёз ҳақида гап кетгудек бўлса нолишга асос йўқ. Ўқишга мандатсиз қабул қилинади. Ётоқхона ва толиблик моянаси билан албатта, таъминланади. Байрамларда нутқлар... ва ҳоказо. Ҳатто бизга гувоҳнома ҳам беришган. Шаҳар транспортларида бепул юриш ва турли хил ҳақ-ҳуқуқлар талаб қилиш учун. Лекин булар шахсан менинг ҳамиятимга тегади. Негаки сароб хизматларим эвазига келадиган ясама мурувватларнинг боридан йўғи. Бу юзингизга бир тарсаки еб, яна ўша қўл бошингизни силагач, «умрингиздан барака топинг», деган гап билан баробар. Аслида-чи, биз ўша тарсакини нимaнинг эвазига едик, нимани ҳимоя қилдик? Таъбир жоиз бўлса кимни?

Шунчалик карахт ҳолга тушганмизки, (туширишган) ор-номус тушунчаси. Ватан туйғусининг ҳар не билан сўндирилишига бепарвомиз. Шахсий фикрим; афғонда қатнашганлигим учун мен давлатдан ҳеч нарса талаб қилмайман.

Шахс ўз эркини тан олса, таний олса Ватан туйғуси муқаддаслашади. Йўқса, олтин гуллаган тупроқнинг гули ўзгага-ю кули ўзингга қолаверади. Ҳар ҳолда дастурхоннинг бир чети бизники дейиш ҳам тобелик нишонаси. Ўз қадримизни ва мезбонликнинг ҳам мезони борлигини унутмайлик.

Ҳурматли талаба, дўстим! Кел, онамиз Ўзбекистон суратини ҳар биримиз юракка чизмоққа ҳаракат қилайлик. У қалбимизда, шууримизда ҳур ва чеҳрасида нур ёғилган қуйи, фарзандларидан мамнун ҳолда аксլансин. Бунинг учун қандай ранглар танлаш ҳар биримизнинг ягона ўйимиз бўлсин.

Сўзимнинг якуни; бугунги бефарқлик эртанги кун равнақи илдизига болта уриш билан баробар. Талабалар катта куч. 70 йиллик маънавий инқироз қафасини батамом синдириш учун савиясизлик ўпқонида эканлигимизни англаш етарли.

А, лаббай?.. Хорижий толибнинг хонасида телефони бор? Юрагингизни улкан дард, ЎЗЛИКка қайтиш емирмаяптими?...

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

Эшитмадим деманглар...

Диққат, конкурс!

Биродар, Парижда бўлганмисиз? Римда-чи? Жилла қурса Прага ёхуд кўҳна Афинани кўргандирсиз? Сизни қаранг-у, ёшингиз бир жойга бориб қолибдику, сиз эса ҳали ҳам бу гўзал шаҳарларни зиёрат қилишга улгурмабсиз. Истасангиз, биз сизга ёрдам беришга тайёрмиз. Бунинг учун сиз «Жилға» кўрик-конкурсида иштирок этмоғингиз керак...

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳомийлигида, «Жилға» ойлик саҳифасида толиблар ҳаётини чуқурроқ ёритиш мақсадида **энг яхши мақола, хабар, очерк, фотоочерк, фотосуратлар** жумҳурият конкурсини ўтказишга қарор қилинди.

Материаллар Ленин стипендиатлари, жамоатчи йигит-қизлар, талабалар отрядлари аъзолари фаолиятини ёритишга, толиблар турмушининг ўткир муаммоларини ишончли тарзда тасвирлаб, унга жамоатчилик эътиборини қаратишга, шунингдек, талабаларни хорижда ўқиш учун тайёрлашга кўмаклашиши даркор.

Конкурсда 16 ёшга тўлган мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ҳамда ёши 30 дан ошмаган барча талабалар ва аспирантлар қатнашиши мумкин.

Юборилган материаллар ҳажми 60 дан 400 сатрга қадар. Машинкада 2—10 бетдан ошмаслиги керак. Конкурсга юборилган суратлар 13x18, 18x24 ҳажмларда бўлиши зарур. Қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Энг яхши ва муҳим деб ҳисобланган материаллар «Жилға» саҳифасида эълон қилинади. Конкурс 1991 йил 5 май — Матбуот кунида якунланади ва унинг ғолиблари «Ёш ленинчи» рўзномасида эълон қилинади.

«Жилға» таҳрир ҳайъати аъзолари конкурсда қатнашмайдилар.

Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутмоқда:

ИККИТА 1-ЎРИН (мақолага битта, суратга битта) — ҳар бири **200 сўмдан имтиёзли тўлови бўлган** капиталистик мамлакатлардан бирига **иккита йўлланма,** «Ёш ленинчи» рўзномасининг иккита **Фахрий ёрлиғи** ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг **Фахрий ёрлиқлари.**

ИККИТА 2-ЎРИН (мақолага битта, суратга битта) Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг **100 сўмлик иккита мукофоти,** «Ёш ленинчи» рўзномасининг иккита **Фахрий ёрлиғи,** Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг **Фахрий ёрлиқлари.**

ИККИТА 3-ўрин (мақолага битта, суратга битта) — «Ёш ленинчи» рўзномасининг иккита **Фахрий ёрлиғи** ва Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг **Фахрий ёрлиқлари.**

ЭСЛАТМА: Конверт устига «Жилға» конкурсига деб ёзиб қўйишни унутманг.

«Нишона»



Юсуф РАСУЛ 1971 йилда Тожикистон ССЖ Ленинобод вилоятининг Панжикент ноҳиясида туғилган. ТошДД журналистика куллиётининг 3-курс толиби, шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

ДИЛДА...


Дилда эзгу наволар қолди,
Маъюс бўлиб қолди юрагим.
Жоним, сизни субҳи содиқда
Саболардан келди сўрагим.
Шўх насимлар титраб ва титраб
Юрагимга бош қўйдилар, жим.
Ғам, қудрат, оламдан ўзга,
Мени сўраб келмади ҳеч ким.
Кўз ёшларнинг мамлакатида
Таскинларни йиғаман, дилхун.
Тоқатимдай шода ва шода
Сатрларни тизаман бир кун.

* * *

Кўзларимга бир нафас қара,
Йиғлашни ўргатай,
Соғинчнинг оқарган сочини
Силашни ўргатай,
Юракка армонни бир марта
Белашни ўргатай,
Сен менга яшашни ўргат, севгилим...

Юсуф РАСУЛ.

«Жилға» конкурсига



«Мен дардимни кимга айтаман?»

Суратчи: Г. СОБИРОВ.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Талабалар ташкилоти ёки ўқув гуруҳларининг биринчи муҳокамасисиз қуйидаги масалалар бўйича қарор чиқаришга ҳеч кимнинг ҳуқуқи йўқ;

— талабаларни тақдирлаш ёки уларга жазо бериш;

— ўқув дастурларини (программаларини) ўзгартириш;

— фаолият ўқув ёки тарбиявий ишларни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган раҳбар ходимларни тайёрлаш, сайлаш, ишдан четлатиш.

Талабалар ташкилоти ёки ўқув гуруҳининг аввалдан бериладиган розилигисиз қуйидаги масалалар бўйича қарор чиқариш мумкин эмас:

— ўқув юртидан, талабалар сафидан чиқариш;

— имтиҳон ўтказиш тартибини белгилаш;

— шароити мушкул талабаларга моддий ёрдам бериш дам олиш ёки даволаниш жойларига бериладиган йўлланмалар;

— стипендия маблағларини белгилаш ва стипендияга тавсия этиш.

(Бутуниттифоқ талабалар анжумани қароридан).

«Жилға» бонг уради

СИРДАРЁ ТАЛАБАЛАРИ ҚАНДАЙ ЯШАЯПСИЗ?

Ғ. Ғулом номидаги Сирдарё Давлат педагогика олийгоҳининг умумтехника куллиёти Янгиер шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Куллиётда 500 нафарга яқин талаба илм сирларини ўрганмоқда.

Бироқ, талабаларнинг техника сирларини, таълим-тарбияни ўрганишлари, дарсдан кейин мазмунли дам олишлари учун шароит қандай?

Яқинда биз шу куллиёт ётоқхонасида бўлиб қайтдик. Ётоқхона 329 ўринга мўлжалланган. Аммо ҳозирда бу ерда 351 нафар талаба истиқомат қилмоқда.

Талабаларга сентябрь ойидан ўзгача шароитлар бўлиши ҳақида ваъда берилган. Улар учун янги 150 ўринга мўлжалланган ошхона ишга тушмоқда. Олийгоҳ маъмурияти томонидан спорт ускуналари ва жиҳозларига 98 минг сўм ажратилган. Ҳозир спорт залига жаъми 4 минг сўмлик ускуналар ўрнатилди.

Куллиёт талабалари мазкур ўқув йилида махсус даста тузиш ниятидалар. Ҳозирда ФАЕМ — мусиқа асбоби, электрогитара улар ихтиёрида. Дастага 3-курс толиби Абдуҳошим Холбоев бошчилик қилади.

«Юқори курсларда трактор, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автодело ва бошқа шу каби фанлар ўтила туриб, куллиётимизда умумтехника ишлари кафедраси бўла туриб, мутахассис сифатида, дипломга биргина меҳнат таълими ўқитувчиси ихтисослигини беришади, холос,—дейишади куйиниб талабалар. — Ваҳоланки биз жуда кўп фанларни ўрганамиз. Шунингдек, ётоқхона ёнидаги кинозалимиз ишламайди, унинг устига кино ускуналари яроқсиз. Кеч соат 22 дан кейин ётоқхонадан ҳеч ким чиқарилмайди. Аммо «Ҳамза» кинотеатрида фильмлар соат 24.00 га қадар давом этади. Бу ҳам бир муаммо».

Талабалар ётоқхонаси учун шаҳар радиоси тармоқлари уланмаган. Аммо куллиёт ўз маблағларидан бир ойга 81 сўм миқдорида пул ўтказар экан. Ётоқхонада эса радио эшитиш имконияти йўқ. Бу ерда ҳатто 2 тийинлик телефон автомати ишламайди. Лекин бунга ҳам куллиёт ўз маблағларидан Янгиер алоқа бўлимига 5 сўм атрофида пул тўлар экан. Мана сизга «емаган сомсага пул тўлаш».

— Бизда — дейди ётоқхона коменданти Юсуф Қораев, — ётоқхонага қарашли 3 та яроқли уй умуман олийгоҳ, куллиётга алоқаси йўқ кишилар учун бериб қўйилган. Талабалар учун жой танқис эканлиги, яна қанчаси ижарада турганлиги ҳеч кимни қизиқтирмаяпти. Бунинг устига 5 курсни 19 киши битириб ётоқхона ҳисобидан ўчирилди. Олийгоҳга эса 75 нафар талаба қабул қилинди. Ўзидан янги муаммолар туғилди.

—Шунингдек, —деб гапни давом эттирди куллиёт хўжалик ишлари мудири Ўткир Латипов, — бегоналар истиқомат қиладиган, олийгоҳ ётоқхонасига қарашли уйдан чиқадиган ахлат чиқиндилари ётоқхона ёнидан канализация қувурлари орқали ўтади. Улар бу ишга бепарво қарайдилар. У уйда турган кишилар эса ётоқхона қоидаларига бўйсунмайдилар. Мен яқинда уйланмоқчиман. Демак, оилам билан ётоқхонада тиқилиб яшашим лозим. Ўқитувчи — домлаларимизнинг ҳам кўпи уйсиз юришибди».

Хуллас, муаммо ортидан муаммо. Қай бирини эшитасиз.

Яхши шароит, сифатли илм ўрганишнинг, малака оширишнинг гаровидир. Биз юқоридаги камчиликлар юзасидан, Сирдарё вилояти раҳбарларидан тегишли жавоб кутамиз.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ.

«Жилға» таҳрир ҳайъати: Равшан АЛИМОВ, Қўчқор НОРҚОБИЛ, ЖАҲОНГИР, Анвар ЭМИН.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Ёшлар ижоди

КУЛГУ — ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров — кулгу санъатига бағишланган мақоласида «Қайта қуриш туфайли қизиқчиликнинг куни туғди» деган фикрни айтган эди. Дарҳақиқат, ҳозирги ошкоралик муҳити ўзбек халқи миллий маданияти дурдоналаридан ҳисобланган аския, қизиқчиликнинг кенг ривожланишига йўл очиб берди. Кейинги йилларда тез-тез ўтказилаётган сўз усталарининг беллашувлари буни тасдиқлаб турибди. Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида ўтказилган «Қизиқчи—90» жумҳурият конкурси кўплаб истеъдод эгаларини кашф этди. Шулардан бири конкурснинг иккинчи мукофотига сазовор бўлган ёш санъаткор Соҳибжон Мамасолиевдир. Соҳибжон асли наманганлик, Уйчи ноҳиясидаги Қизилравот қишлоғида туғилиб ўсган. 1986 йили ўрта мактабни тугатгач, Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат институтининг драма ва кино актёрлиги бўлимига ҳужжатларини топширган. Яқинда у мазкур ўқув юртини тамомлади.

— Қизиқчилик инсоннинг қонида, табиатида бўлади, дейишади. Сиз ўзингизда шундай истеъдод мавжудлигини қачон сезгансиз?

— Отамнинг таъсирлари бўлса керак (асл касблари ўқитувчилик, лекин кино санъатига жуда қизиқадилар, уч-тўртта ҳужжатли фильм ҳам ишлаганлар), ёшлигимдан санъатга меҳр қўйганман. Мактабимиздаги драма тўгарагида қатнашиб, турли-туман роллар ўйнардим, қизиқчилик, айниқса, бировларнинг овозига тақлид — жондилим эди.

1984 йили қишлоғимизга Наманган вилояти театри актёри, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, марҳум Рустамжон Ҳамроқулов раҳбарлигида бир гуруҳ санъаткорлар келишиб, «Олтин балиқ» спектаклини қўйишди. Рустам акага азалдан ихлосим баланд эди. Томоша тугагач, у кишига учрашиб, менга йўлйўриқ кўрсатишларини илтимос қилдим. Рустам ака сўзларимни тинглаб бўлгач:



«Бирор куни вақт топиб, театрга боринг, ўша ерда бафуржа гаплашамиз», — дедилар. Азбаройи руҳланиб кетганимдан эртасигаёқ театрга йўл олдим. Рустам ака мени жуда яхши кутиб олдилар. Ижро этган номерларимни кўриб, ютуқ-камчиликларини айтдилар. У кишининг маслаҳатлари билан Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат институтига киришга тайёрлана бошладим. Имтиҳон пайтлари ҳам Рустам ака ёрдамларини аямаганлари йўқ. Шунинг учун мен Р. Ҳамроқулов хотираси олдида ўзимни бир умр қарздор ҳисоблайман.

— «Қизиқчи—90» да қатнашиш фикри қачон туғилди? Ғолиб чиқишингизга ишонармидингиз?

— Қатнашиш истаги ўтган йилги конкурсни кўргач пайдо бўлувди. Эсингизда, бўлса, унда Мирза Холмедов, Обид Асомов, Абдулла Акбаров каби кулги усталари муваффақият қозониб, элга танилишган эди. Мен ҳам улар қатори ўз кучимни синаб кўришга аҳд қилдим. Битирувчи курс, унинг устига диплом иши ташвишларига қарамай, уч-тўрт ой қаттиқ тайёрландим. Лекин, очиғи менда ўрин олишдан кўра эл-юртга ичимдаги дардларни айтиб, «енгиллашиш» истаги кучлироқ эди. Бунга қанчалик эришдим — сизлар баҳо берасизлар.

— Конкурсдаги «рақибларингиз» ҳақида нималар дея оласиз?

— Конкурснинг биринчи мукофотини олган Ҳожибой Тожибоев мухлисларга аввалдан маълум ва машҳур, халқимиз севган қизиқчи. Мени ҳали танилмаган сафдошларимнинг кўпчилик назарига тушганликлари хурсанд қилди. Жумладан, тошкентлик Ғофир Мирзабоев, наманганлик Жакбарали Жўраевларнинг чиқишлари юксак савияда бўлди. Муҳими, жумҳуриятимизда истеъдодли ёшларнинг кўплиги, гуркираб ўсиб келаётганлигини ҳис қилдик. Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Ака Бухор, Сойиб Хўжаев, Ҳасан Йўлдошевларни тарбиялаган ўзбек қизиқчилик мактаби ўзининг муносиб ворисларига эга, десак хато бўлмайди.

— Энди бевосита репертуар масаласига тўхталсак. Ўз чиқишларингиз учун қайси манбаларга кўпроқ таянасиз?

— Кўпчилик санъаткорлар каби вақтли матбуотда эълон қилинган ҳажвий материаллардан фойдаланаман. Менга, айниқса, Саид Аҳмад, Анвар Обиджон каби ҳажвчиларимизнинг асарлари ёқади. Бундан ташқари одамлар орасида бўлиб, қизиқ-қизиқ гаплари, ҳангомаларни «териб» юришга ҳаракат қиламан. Шуларнинг натижаси ўлароқ «Туш кўриш», «Ўзга сайёралик», «Хом сут эмган банда», «Ҳеч кимга айтмайман» сингари янги номерлар тайёрлаяпман.

— Соҳибжон, охирги анъанавий савол: келгуси режаларингиз?

— Режалар кўп, айтса чиқаверади. Таниқли қизиқчи Обиджон Асомов бошчилик қилаётган «Наргиз» студиясига ишга таклиф қилишди. Шу даргоҳда ишлаб, маҳоратимни орттириш ниятидаман. Энг асосийси, турмуш ташвишларидан толиққан халқимизнинг кўнглини кулгу билан кўтариш, уларга ҳамдард, ҳамнафас бўлишдир.

Ҳа, От йили Соҳибжон учун иқболли йил бўлди. Сўз усталарининг жумҳурият беллашувида ғолиб чиқди, яқинда кўнгилдаги қизга уйланди. Биз ёш санъаткорга оилавий бахт, ижодий фаолиятига омад тилаб қоламиз.

Азиз АБДУВАЛИЕВ,
ТошДД журналистика кулиёти толиби.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар



Бир пайтлар ўзбекнинг тўйи, байрамлари қандай ўтиши ҳақида энам айтиб берарди.

«Халқ сайллари, айниқса Наврўз байрами жуда бошқача бўларди. Карнай, сурнай, ноғораларнинг қўш жаранги остида белида белбоғи бор йигитлар баланд дор устида ҳар хил ўйинлар кўрсатишарди. Қилдай нозик арқонда худди ердагидек сакраётганларини кўриб ана йиқилади, мана йиқилади, деб ҳаяжонда турардик. Ичак узди латифалар айтиб чиққан афанди ва масхарабозни кўриб чарчаган томирларимиз чигили ёзилиб кетарди...» Энамнинг шу гапларини худди эртак эшитгандек тинглар эканман, ўша вақтдагилар билан ҳозирги тўйларни, байрам ва халқ сайлларини бир-бирига таққослайман. Ўзбекнинг миллий санъатидан, миллий тўй-ҳашамидан қанчалик йироқлашиб кетганимизни тасаввур қила бошлайман. Хўш, нима учун ҳозирги халқ байрамларида дорбозларни учратмаймиз ёки кам учратамиз? Кимнинг жонида қасди бор? Осон дейсизми? 15-20 метр баландликдаги ингичка симни «забт этиш» яна унинг устига мувозанатни сақлаган ҳолда, турли ўйинлар кўрсата билиш осонми? Бунинг ўзи бир қаҳрамонлик.

Шундай экан, бу жуда қийинку деб ўзбек цирки санъатининг асоси бўлган дорбозни ўтмишда қолдириб кетаверамизми? Йўқ, бу санъатни давом эттираётган қаҳрамонлар бор. Улар бир оила фарзандлари, бир устоз шогирдлари — Тошкенбоевлардир. Ана шулар орқали ўзбек циркини дунё танийди.

Биринчилардан бўлиб ўзбек дорбозларининг миллий аттракционини ташкил этган, РСФСР ва Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Тошкенбой ота Эгамбердиев, қолаверса унинг ўғиллари Ўзбекистон ССЖ халқ артистлари Обиджон ва Камолиддин Тошкенбоев ҳамда жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Эркин Тошкенбоевлар барчага маълум ва машҳур.

Биз шуларнинг яна бир издошлари Тоҳир ва Мурод Тошкенбоевлар ҳамда Юсуфжон Тешабоев ҳақида гап юритамиз.

Юсуфжон билан Тоҳир баланд дорда ғайриоддий ўйинлар кўрсатиб минглаб томошабинлар қалбидан жой олишмоқда. «Саҳнадаги цирк» қошида тузилган «Шарқ» гуруҳи яқиндагина Татаристоннинг бир қанча шаҳарларида бўлиб қайтишган эди. Азнакев шаҳар комсомол қўмитасининг котиби. М. Булатовдан Юсуфжон Тешабоев ва Тоҳир Тошкенбоевлар номига миннатдорчилик қоғози келди. Яна тез-тез ташриф буюришларини сўрашибди. Бу ўзбек цирк санъатига бўлган ҳурмат, қизиқишнинг ортишидир.

Ўзбек дорбозининг нафақат Иттифоқимизда, балки Вьетнамда, Лаосда, Мўғилистон, Конго ва Қувайтда минглаб мухлислари бор. Улар бизнинг бу миллий санъатимизни Тошкенбоевлар орқали тасаввур қилишади. Яқинда Мурод Тошкенбоев ўз гуруҳи билан Мисрда бўлиб қайтди. Унинг ҳар бир чиқиши олқишларга кўмилди.

Мурод эндигина йигирма олти баҳорни қаршилади. Олийгоҳни тугаллаб мустақил иш бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ, ҳали. Акаси Тоҳир ва Юсуфжонларнинг мустақил ўйинларига ўн йилдан ошиб кетди. Мурод ҳамон шуларга интилади. Мен ҳам янада баландроқни «забт этсам» дейди.

1985 йил ёшлар ва талабаларнинг XII Жаҳон фестивалида Тоҳир Тошкенбоев ва Юсуфжон Тешабоевлар фестиваль дипломини олиб қайтишди. Дорбозлар иложи борича, байрамларда, бошқа-бошқа кунларда халқнинг ўз миллий санъатидан баҳра олишига ҳаракат қилишяпти. Уч-тўрт йилдан бери Ўзбекистон комсомолининг ташвиқот бригадасида, гоҳида театр артистлари билан, гоҳида ашула ва рақс дасталари билан биргаликда меҳнаткашлар ҳузурида бўлиб, ажойиб программалари билан дилларга ҳузур бахш этишяпти.

1986 йили Тошкентда бўлган кинофестивалда, 1987 йилда Москвадаги Инқилобнинг 70 йиллигига бағишланган байрам намойишида ўз чиқишлари билан меҳмонларни хушнуд қилишди. 1988 йилда комсомолнинг 70 йиллиги олдидан комсомол ижодий ёшларининг ҳисоботида Мурод Тошкенбоев ҳам симдор устидаги ўйинлари билан қатнашчиларнинг ҳамда москваликларнинг олқишига сазовор бўлди. Ленинградда бўлган Бутуниттифоқ «Саҳнадаги цирк» артистларининг кўригида Камолиддин ва Тоҳир Тошкенбоевлар гуруҳи программасининг миллийлиги учун фахрли учинчи ўринни қўлга киритишганди...

Бу ютуқлар ва муваффақиятлар Тошкенбоевлар учун уммондан қатра. Улар ҳамон ҳаракатда, ҳамон «забт этишда. Шу маънода Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилояти қўмитаси ўзбек цирки санъати анъаналарини давом эттиришдаги хизматлари учун Мурод ва Тоҳир Тошкенбоевлар ҳамда Юсуфжон Тешабоевни жумҳурият Ленин комсомоли мукофотига номзодликка тўғри тавсия этишган. Буни Тошкенбоевларнинг минглаб мухлислари ҳам қўллаб-қувватлашлари аниқ.

Азамат САФАРОВ,
ТошДД толиби.

Ҳамдўстлик ришталари

ФИЛЬМЛАРГА ЧЕГАРА ОЧИҚ

ЎЗБЕК КИНЕМАТОГРАФЧИЛАРИНИНГ БЕШТА АСАРИ ХИТОЙДА НАМОЙИШ ЭТИШ УЧУН ТАНЛАБ ОЛИНДИ

Синжон — Уйғур мухтор ноҳиясининг делегацияси жумҳурият кинематографиячилар уюшмасининг таклифига биноан Тошкентда бир неча кун меҳмон бўлди. Делегация таркибида маҳаллий маданият вазирлиги, «Тянь-Шань-фильм» киностудияси бўлими ва прокат ходимлари бор эди.

Ўзбекистон кинематографияси тарихида шу вақтга қадар мазкур мамлакатдаги ажнабий ҳамкасблар билан алоқалар бўлмаган эди. Жумҳурият кино ходимлари бевосита музокаралар олиб бориш имкониятига эга эмасдилар. Биргаликда амалга ошириладиган ишларнинг режаларини «марказ» албатта, тасдиқлаши лозим бўларди. У ерда эса хонама-хона юриб, ишларни келишиб олиш учун кўп вақт ва куч сарфланарди. Бундай алоқалар қаттиқ назорат остида йўлга қўйиларди.

— Энди биз эски ақидалардан воз кечаяпмиз, бошқа мамлакатлар кино соҳаси вакиллари билан тобора фаол мулоқотда бўлаяпмиз, — дейди Ўзбекистон кинематографиячилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби М. Қаюмов. — Бу гап биргаликда асарлар яратишга ҳам тааллуқлидир. Ҳиндистон, Марокаш ва Европа мамлакатларидан Италияни мисол сифатида айтишим мумкин. Мана энди Синжон — Уйғур мухтор ноҳияси билан кино мулоқоти ўрнатишда илк қадам ташланмоқда. Маданиятимизнинг мазкур регион билан кўп муштарак томонлари бор. У ерда ўзбеклар, уйғурлар, татарлар, мамлакатимизда яшаётган бошқа халқларнинг вакиллари кўп.

Синжонлик меҳмонлар «Ўзбекфильм» студиясининг томоша залида ҳар куни бир неча соатлаб ўтиришарди. Машҳур санъат усталари яратган фильмлар, ёш режиссёрларнинг экран асарлари уларда катта таассурот қолдирди. Бундай асарлар орасида актёр Исамат Эргашев режиссёрлик қилган «Темир хотин» лентаси ҳам бор.

Яқинда «Ўзбекфильм» студиясида ушбу картина дўстларга совға қилинди. Киностудия директори А. М. Хўжаев шундай деди:

— Биз хўжалик ҳисобининг қаттиқ шароитига тушиб қолдик, ўз асаримизни қаерга ва кимга таклиф этишимиз тўғрисида ўйлашимиз, уни сотиш учун бозор топишимиз керак. Картина ўзини оқлаши учун уни камида 17 миллион киши кўриши даркор. Акс ҳолда харажатлар қопланмайди. Лекин минтақамизда шунча томошабин йўқ. Мамлакатимизда жуда кенг кўламда намойиш этилган «Алвидо, ғўр ёшлигим!» фильмини ҳам атиги 12 миллион томошабин кўрди. Демак биз, томошабинлар иложи борича кўпроқ бўлишига фаол кўмаклашишимиз, реклама ҳақида ўйлашимиз, хорижий экранларга чиқиш йўлларини излашимиз зарур бўлади.

Хитой кино арбобларининг эътироф қилишларига қараганда, қарийб ўттизта фильм кўрилганидан сўнг Исамат Эргашевнинг бу асарига жуда юқори баҳо бериш мумкин.

— Унда ҳозирги жамиятда хотин-қизлар аҳволи тўғрисидаги масала жуда ўткир қўйилган. Аёл ҳатто темир роботнинг кучи ҳам етмайдиган оғир машаққатларни бошидан кечиради, — деб таъкидлади Синжон—Уйғур мухтор ноҳияси маданият вазирининг ўринбосари Ван Шенг Вен. — Бизни бундай жиддий мавзу комедия жанрида ҳал этилганлиги ўзига жалб этди, шу усул билан муҳим муаммо янада бўрттириб берилган.

Ван Шенг Вен турмушимизнинг нохуш томонларини танқид қиладиган яна икки комедия — Али Ҳамроевнинг «Водиллик келин» ва Мелис Абзаловнинг «Келинлар қўзғолони», «Майсаранинг иши», Музроб Боймуҳамедовнинг «Эрксиз қотил» асарларини ҳам танлаб олдилар.

Синжонлик кинематографиячилар ўз ватанида ўзбек фильмларининг ўн кунлигини ўтказиш ниятидалар.

Ўзбекистон ва Синжон—Уйғур мухтор ноҳияси кино арбобларининг биринчи учрашуви муваффақиятли тугади. Ўзбек адабиётининг машҳур намояндаси, маърифатпарвар, Хитойда қарийб ўттиз йил яшаган ва у ерда дафн этилган Фурқат ҳақида биргаликда фильм олиш тўғрисида музокаралар бошланди. «Тянь-Шань-фильм» киностудиясининг бўлими ушбу картинага ўз сценарийсини таклиф этди.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Мунажжим йўл кўрсатади

МЕЗОН ЮЛДУЗЛАРИ ТУРКУМИ

(24 СЕНТЯБРЬ — 23 ОКТЯБРЬ)

Ҳаво белгиси. Мезон юлдузлар туркуми бошқарган даврида туғилган одамлар одатда, ёқимли оқ кўнгил, ақлли, хушбичим, интилувчан бўлишади. Улардаги хушбичимликни Зуҳро юлдузи беради. Кўпинча жағларининг остки қисмида чуқурча бўлади ва бу уларни бошқалардан ажратиб туради.

Ҳаётларида касаллик ва бахтсизликлар учраб турса ҳам айни пайтда ҳаётдаги уйғунликни топа оладилар. Одатда анча фаол бўлишади. Лекин ҳеч бир ишни шошма-шошарлик билан амалга оширишмайди.

Қоида бўйича бу даврда туғилган инсонлар жисмонан ва ақлан соғломдирлар. Узоқ ва қатъият билан меҳнат қилишади.

Кайфиятлари тез-тез ўзгариб туради Баъзан журъатсизлик уларга бирор бир нарса чиқаришга ҳалақит бериб туради. Бироқ ҳар доим уйғунликка интилишади. Характерларида бир хил миқдорда оқ кўнгиллилик, мулойимлик, ҳақиқатпарварлик, фалсафий мантиқ ва журъатсизлик мавжуд. Қаҳрли бўлишни ёқтиришмайди. Куй, гуллар ва шеъриятда уйғунликка эҳтиёж сезишади, гўзалликка интилишади.

Мезон паллалари бир хил бўлиб турганда сезгир қалб ва бой интеллект ўртасида уйғунлик кириб келади. Мезон юлдузлар туркуми бошқарган даврида туғилганлар зўр нотиқ бўлишади.

Ўз фикрларини бошқаларга ўтказа оладилар. Лекин кўпинча бирор бир нарса чиқаришдан олдин узоқ иккиланиб қоладилар. Диалектикага, юриспруденцияга қизиқишлари туфайли улардан яхши адвокат, актёр, режиссёр, файласуф чиқишига имкон беради.

«ПАХТАКОР»—«СПАРТАК»—2:1

Очиғи, мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида ҳал қилувчи ўйинлар севимли командамиз «Пахтакор» учун ниҳоятда оғир кечаяпти. Мухлислар ҳам ҳайрон. Боиси, командамиз рақиблар майдонида Тошкентдаги ўйинларга қараганда анча дадил ҳаракат қилишади. Ўз майдонида эса...

Рост, кечаги ўйиннинг биринчи бўлими ҳар иккала команда учун ҳам «синов машқи» бўлди десак, янглишмаймиз. Ҳеч ким олдиндан башорат қилолмайди. Бу футбол. Рақиблар ҳам анойи командалардан эмас. Бир йил ичида шундай кучли ва маҳоратли клубни тарбиялаб, биринчи ўринга олиб чиқиш Газзаев учун осон кечмади. Лекин владикавказликлар қанчалик муваффақиятга эришган бўлмасинлар, улар учун «Пахтакор» асосий рақиблардан бири бўлишини (эсингизда бўлса, биринчи даврада ҳам тошкентликлар 3:2 ҳисобида доғда қолдиришган) билардилар. Шул боис, Газзаев биринчи мағлубият аламини барибир Тошкентда оламан деб ўйлагани сир эмас. Яхшиямки...

Иккинчи бўлимда дарвозаларга учта тўп киритилди: 64-минут Тедеев («Спартак») — 11 метрдан. 66-минут Шквирин («Пахтакор») — яна 11 метрдан. 71-минут — Клочков — («Пахтакор») — жаримадан. Ҳисобни биринчи бўлиб меҳмонлар очишгач, мухлислар юрагига хавотир тушди. Москвалик ҳакамнинг айтгани-айтган, дегани-деган. Қанча бақириб-чақирган билан бефойда. Лекин мухлисларни ҳеч қачон алдаб ёки чалғитиб бўлмайди. Сабаби ўша 11 метрлик жарима белгиланмасдан олдин владикавказлик ўйинчилар мезбонларга қарши бир неча марта қўпол ўйнаб, ўйин қоидаларини бузишганда ҳакам ўзини кўрмаганга олди. Аммо икки дақиқа ўтар-ўтмас рақиблар жарима майдончасида яна ўйин қоидаси бузилди.Ноилож қолган ҳакам ўз гуноҳини «ювиш» ниятида тўпни яна 11 метрлик белгига қўйишни кўрсатди. Аксинча бўлганида...

Ҳисобнинг тенглашиши бирдан ҳамюртларимиз ўйинига ўз таъсирини кўрсатди. Тинимсиз, кетма-кет ҳужумлар уюштирилди. Яна спартакчилар қўпол ҳаракат қилдилар. Футбол майдонида ҳам ҳар қайси ўйинчининг ўз севимли жойи бўлади. Бу гал эса ҳакам кўрсатган жой Пятницкий ёки бир умидли ўйинчимиз Клочковнинг «жойи» эканлиги мухлисларга беш қўлдек аён эди. Стадионда шовқин-сурон. «Андрей ёки Клочков тепсин». Миржалол тўпни шундай усталик билан ташлаб бердики, кучли зарб билан тепилган тўпнинг қандай дарвозага бориб тушганини «Спартак» дарвозабони ҳам сезмай қолди. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади.

Икки оғиз мулоҳаза: «Пахтакор» командасининг ўйини вақти ойнаи жаҳон ҳамда радио программасида соат 18.00 да бошланиши айтилган. Бундай ноаниқлик кўпчилик мухлисларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлаяпти. Чунки ишқибозларнинг анчагина қисми ўйиннинг иккинчи бўлимида стадионга келдилар...

«Пахтакор» навбатдаги ўйинини ҳам 7 октябрь куни ўз майдонида Абовяннинг «Котайк» командаси билан ўтказади. Ўйин соат 17 да бошланади.

ТВ

7 ОКТЯБРЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома». Ахборот мусиқий-кўрсатув (такрор.).

* * *

9.00 «Сирли ворис». Бадиий фильм. 2-серия. 10.05 «Шарқ либослари фестивали». 10.50 Болалар учун. «Кичкинтой» программаси. 11.20 «Олтиннинг кумуш юбилейи». Ҳужжатли фильм. 11.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нуқтаи назар». 12.35 «СССР Конституциялари ҳақида». Суҳбат. 13.05 «Алифбо сабоқлари» (такрор.). 13.40 «Сиз севган достонлар». Абдуназар Поёнов, Қаҳрамон Қиёмов ижросида «Нурали» достони.

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Котайк» (Абовян). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. 18.35 Ўқитувчилар кунига. «Устоз ва мураббий». 19.15 «Шеърият дафтаридан». Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Кино жавонидан». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув. 23.00 «Дунё». Бадиий фильм. 2-серия. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 13.00 «Мусиқий киоска». 13.30 «Здоровье». 14.15 «Арбат мотивлари». Телевизион бадиий фильм. 1-фильм — «Эски уй» («Союзфильм» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси). 15.30 «КВН»-90». Днепропетровск давлат дорилфунуни ва Донецк политехника институти командаларининг учрашуви. Биринчи ярим финал. 17.20 Бутунроссия конкурси лауреати С. Лукин чалади (домра). 17.35 «С добрим утром!» радио эшиттиришининг 30 йиллигига бағишланган программа. 20.10 «Арбат мотивлари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм — «Мерос» («Союзтелефильм»). 21.30 «Вақт». 22.00 «Оддий ва мангулик ҳақида». 22.15 «Ер — она масканимиз» фотоконкурси. 22.25 «Маппет-шоу». Кўп серияли телевизион қўғирчоқ фильм-концерт премьераси. 1- ва 2-сериялар (Буюк Британия). 23.05 «Рақслар, рақслар, рақслар». Бал рақси ижрочилари халқаро конкурсининг гала-концерти.

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ»
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-56
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23589.